

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ

Каримов Баҳтиёр

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантириш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, ҳисоб сиёсати шу тижорат банкининг молиявий ҳолати ҳақида умумий маълумот беради. Ушбу мақолада тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг объектив зарурияти ёритиб берилди.

Калит сўзлар: тижорат банклари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоб, банкларнинг бухгалтерия ҳисоби, тамойил ва қоидалар.

Ҳисоб сиёсати бажарилиши лозим бўлган тамойиллар ва қоидалар йиғиндиси асосида шаклланади. Бундай тамойил ва қоидаларнинг мавжудлиги бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳолати тўғрисида тўла ва ҳаққоний маълумотларни шакллантириш, тадбиркорларнинг ўзаро мулоқот воситаси сифатида намоён бўлиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асосий қисми бўлган бухгалтерия ҳисобининг мақсад ва вазифалари билан тушунтирилади. Тамойиллар ва қоидалар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида тижорат банкларида ҳисоб тизими қурилишининг меъёрларини ўрнатади. Умумий қоида ва тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби тизимини назорат қилувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орқали ўрнатилган. Тижорат банклари ҳисоб сиёсатининг бош мақсади - ўзининг фаолиятини юқори савияда ташкил этиш, фаолияти тўғрисида тўла объектив ва ҳаққоний ахборотни шакллантириш, натижада бу фаолиятни самарали тартибга солиб туришдир. Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллашда бухгалтерия ҳисобининг асосий талабларидан (тамойилларидан) келиб чиқиши керак. БҲМС 1-сонга мувофиқ асосий

тамойиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳисоблаш тамойили; ҳисобни икки ёқлама ёзув орқали юритиш; узлуксиз хўжалик операциялари; активлар ва пасивларни пул кўринишида ифодалаш; ҳаққонийлик; огоҳлик; шаклдан мазмуннинг устунлиги; кўрсаткичларнинг мослиги; молиявий ҳисоботнинг нейтраллиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқатда баҳоланиши; ҳисобот даври фойда ва зарарларининг мослиги; тушунарлилик; аҳамиятлилик; ҳаққоний тақдим қилиниши; тугатилганлик; тартиблилик; ўз вақтида тақдим қилишлик; офсеттинг(моддаларнинг ўзаро боғлиқлиги); объективлик. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда Ю.М.Иткин қуйидаги тамойил- лардан келиб чиқиш зарурлигини таъкидлайди: мол-мулк холислиги; мунтазамлилик; кетма-кетлик; муваққат аниқлик; тўлиқлик; эҳтиёткорлик; мазмуннинг шаклдан устуворлиги; бир хиллик; қопламаслик; фойдалилик; нейтраллик. Бу келтирилган тамойилларга муаллиф қўшилади. Аммо булардан ташқари ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнидаги тамойиллар ҳам мавжуд ва бу миллий стандартда кенгроқ ўз аксини топган. Шаклланаётган ҳисоб сиёсати олдидаги вазифалар, кўп жиҳатдан банк ривожланишининг тактик ва стратегик йўналишларига боғлиқ. Шу боис, бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсати банклар томонидан қабул қилинган ҳисоб ва молиявий стратегия асосида шаклланиши лозим. Ҳисоб стратегияси деганда, бухгалтерия ҳисобини юритиш соҳасидаги ва молиявий стратегияни амалга оширишни узоқ даври мобайнида ҳисоботни